

испытаний. Автореф. дисс. кан. психол. наук. Тамбов, 2007

МДҲ ПСИХОЛОГЛАРИНИНГ ТАФАККУР МАСАЛАСИДА ҚАРАШЛАРИ

Шодмонкулова М.

Низомий номидаги Ўзбекистон миллий педагогика университети мустақил тадқиқотчиси

Аннотация: Мазкур мақолада МДҲ психолог олимларининг тафаккур масаласидаги қарашлари борасида билдирган фикр-мулоҳазалари баён қилинган.

Калит сўз. Тафаккур, ақлий тараққиёт, шахсининг ақлий тараққиёти.

VIEWS OF CIS PSYCHOLOGISTS ON THE ISSUE OF THINKING

Shodmonkulova M.

Independent researcher

National Pedagogical University of Uzbekistan named after Nizami

Abstract: This article presents the opinions and views of psychologists from the CIS countries regarding the issue of thinking.

Keywords: thinking, intellectual development, intellectual development of personality.

ВЗГЛЯДЫ ПСИХОЛОГОВ СТРАН СНГ НА ПРОБЛЕМУ МЫШЛЕНИЯ

Шодмонкулова М.

Независимый исследователь

Национальный педагогический университет Узбекистана имени Низами

Аннотация: В данной статье изложены мнения и взгляды психологов-учёных стран СНГ по проблеме мышления.

Ключевые слова: мышление, интеллектуальное развитие, интеллектуальное развитие личности.

“Тафаккур жараёнлари мана шу давргача жуда кўп олимлар, психологлар томонидан ўрганилиб, улар томонидан кўплаб назариялар яратилган. А.В.Петровский “Тафаккур ижтимоий-сабабий, нутқ билан чамбарчас боғлиқ муҳим бир янгилик қидириш ва очишдан иборат спихик жараёндир, бошқача қилиб айтганда, тафаккур воқеликни анализ ва синтез қилишда уни бевосита ва умумлаштириб акс эттириш жараёни” деб таъриф беради[7]. Бу борада Л.С.Выготский ва А.Н.Леонтьевларнинг коцепциялари муҳим аҳамият касб этади. Ушбу концепцияга кўра, инсонни онтогенезда тараққий этиш айланади. Бунда ўсмирлар жараёнининг тузилишини ўзлаштириб, ташқи билимлардан қандай фойдаланиш қоидаларини эгаллайдилар. Дастлабки ўзлаштиришдан кейин умумлаштириш вужудга келади. Уни амалга ошириш таркибларнинг қисқариши ва даражасининг пасайиши билан ажратиш туради. Психология фананининг яна бир вакили П.И.Иванов ўзининг дарслигида “Тафаккур инсоннинг шундай ақлий фаолиятидирки, бу фаолият воқеликни энг аниқ (тўғри), тўлиқ, чуқур ва умумлаштириб акс эттиришига (билишга), инсоннинг тағин ҳам оқилона амалий фаолият билан шуғулланишига имкон беради” деб таърифлайди [4]. Ушбу таърифда тафаккурнинг тўла, аниқ ва умумлаштирилган ҳолда акс эттирилиши таъкидлаб ўтилади, холос. Тафаккур нафақат психик жараён, у инсоннинг ташқи муҳит билан бевосита алоқасида иштирок этувчи ҳамда ташқи муҳит ҳам унга бевосита таъсир этувчи ҳолатдир. Тафаккур жараёни ўзининг маъно-мазмун жиҳатдан турлича кўринишда акс этиб, унинг қуйидаги турларини келтириб ўтиш

мақсадга мувофиқ. Конвергент ёки аналитик тафаккур, дивергент ва танқидий тафаккур ва ижодий тафаккур. Бу кўникмалардан атрофимиздаги дунёни тушуниш, танқидий фикрлаш, муаммоларни ҳал қилиш, мантикий танловлар қилиш ва инсон ўз қадриятлари ва эътиқодларини ривожлантириш, дунёни билиш учун фойдаланади. Конвергент тафаккур бу инсон хотираси, атроф-муҳитдаги манбаалар ёки мантикдан фойдаланган ҳолда саволга энг яхши жавобни топиш жараёнидир. Бу фикрлаш қобиляти муҳим ижодкорликни талаб қилмайди. Бу мураккаб ёки ўйлашни талаб қиладиган муаммоларни ҳал қилиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлмай, бунинг ўрнига, у жуда оддий фикрлаш жараёнларидан фойдаланади.

Тафаккурнинг назарий ва амалий асосларини ишлаб чиққан Ю.М.Орлов инсоннинг руҳий саломатлиги масаласига тўхталиб, қуйидаги фикрни билдириб ўтади: “Тафаккур юритиш ҳаёт фалсафасининг, онг ва тана саломатлигининг энг ишончли йўлларида биридир. Ушбу методика янги ҳиссий -ақлий одатларни юқори даражада ўзлаштиришга имкон беради, ўтмишдаги патоген фикрлаш тажрибасини тўплайди”[6].

Ҳар бир инсон нафақат ўзининг ҳис-туйғуларини ва хатти-ҳаракатларини назорат қила олиш керак. Ўсмирлар ҳаёти ва фаолиятида ўзини-ўзи шакллантириш жараёни муҳим рол ўйнайди, лекин ўзини-ўзи бошқаришнинг таркибий қисмлари (ўзини-ўзи таҳлил қилиш, назорат қилиш, баҳолаш, текшириш ва бошқалар) ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Тафаккур қўллаб-қувватловчи ва руҳлантирувчи фикрлаш тарзи ҳисобланади. Шунингдек, фикрлаш шакли бу маълум бир алгоритмдан фойдаланган ҳолда фикр юритиш ва ўрганишнинг шахсий патоген стереотипларини қайта кўриб чиқиш ва тартибга солишдан иборат бўлиб, муайян фаолият давомида юзага келадиган муаммо ва қийинчиликларни тўғри акс эттириш қобилятидир.

Психологик адабиётлар ва дарсликларда тафаккурга турлича таъриф берилган бўлиб, А.В.Петровский таърифида тафаккур воқеаликни анализ ва синтез қилишда уни бевосита ва умумлаштириб акс эттириши, П.И.Ивановнинг психология дарслигида тафаккурнинг аниқ, умумлаштирилган ва тўлиқ бўлиши, М.В.Гамезонинг фикрига кўра, тафаккур воқеликнинг умумлашган ҳолда ва сўз ҳамда ўтмиш тажриба воситаларида акс эттирилиши таъкидланади. Тафаккур психологияси ва унинг тадқиқ қилишнинг кейинги босқичдаги изланишлар анчагина ўзига хослиги билан ажралиб туради. Тафаккур муаммосини ўрганишга доир илмий изланишларнинг таҳлили асосида уларни қатор йўналишларга ажратиш имконияти яратилган бўлиб, мазкур йўналишдаги изланишлар қисқа даврлар учун ҳам янги тадқиқот объектлари бўлиб хизмат қилиши мумкин. Уларни тугалланган ва яна ўрганишга эҳтиёжи йўқ муаммо сифатида ҳулосалаб бўлмайди. Ақлий ҳаракатлар мажмуи сифатида фикрлашнинг анъанавий тушунчасидан фарқли ўлароқ, “фикрлаш”, яъни, “тафаккур” атамаси ички муаммоларнинг ечимини акс эттиради (масалан, ишончсизлик, кўркув, муваффақиятсизликни бошдан кечириш ва бошқалар). Онг ҳолатини ўзгартиришда шахсий акс эттиришнинг ўрни ва инсон психокоррекцияси самарадорлигига таъсир этувчи омилларни ўрганган А.Б.Россохин фикрлаш усулининг қуйидаги ижобий хусусиятларини ажратиб кўрсатади:

- фикрлашни ўргатиш шахсдан кўплаб ижобий ўзгаришларни таъминлайди;
- фикрлаш ақлий фаолиятнинг хилма-хиллиги ва мустақиллигини таъминлаш воситаси сифатида хизмат қилади [8].

Т.Н.Васильева ўқитувчининг фикрлашига болани тарбиялаш воситаси сифатида жиддий эътибор беради ҳамда ўқувчиларда фикрлашни шакллантиришга хизмат қилувчи коррекцион-ривожлантирувчи ўйинлар ва машқлар тўпламини ишлаб чиқади.

“Тафаккур” тушунчасини ўрганиш асосида унинг қуйидаги асосий хусусиятларга эга эканлиги ҳақидаги ҳулосага келинган:

1. Тафаккур воқеа-ҳодисаларни аниқ ва умумлашган ҳолда акс эттиришга имкон беради.
2. Борлиқни билвосита акс эттиради, яъни инсон ўзлаштирган тажрибаларига таянган ҳолда янги билимларни ҳосил қилади.
3. Ижодий фикр юритиш ва фаолиятдаги ижодкорлик инсон тафаккурининг муҳим хусусияти

ҳисобланади.

4. Тафаккур тил билан бевосита боғлиқ. Чунки, фикрлашни, тафаккур юритишни идеал ва ижтимоий ҳодиса сифатида баҳолаш мумкин. Сабаби у фақатгина тил воситасида реалликка айланади. Натижада, барча учун тушунарли ва бевосита қабул қилинадиган, ҳис этадиган шаклга киради ва инсонлар ўртасида ўзаро фикр алмашиш вазифасини бажаради [3].

Тафаккурга берилган таърифлар турлича бўлиб унинг иккита ёки учта муҳим хусусияти таъкидлаб ўтилади холос. Жумладан, П.И.Иванов ўзининг дарслигида “тафаккур инсоннинг шундай ақлий фаолиятидирки, бу фаолият воқеликни энг аниқ, тўлиқ, чуқур ва умумлаштириб акс эттиришга (билишга), инсонни талқин ҳам оқилона амалий фаолият билан шуғулланишига имкон беради” деб таъриф беради. Ушбу таърифда тафаккурнинг тўла, аниқ ва умумлаштирилган ҳолда акс эттириши таъкидлаб ўтилади, лекин унинг характерли хусусиятлари бевосита сўз ёрдами билан ифодаланишига эътибор қаратилмаган[4].

А.В.Петровский таърифи остидаги “Психология” дарслигида тафаккурга қуйидагича таъриф келтирилган: “Тафаккур – ижтимоий-сабабий, нутқ билан чамбарчас боғлиқ муҳим бир янгилик кидириш ва очишдан иборат психик жараёндир, бошқача қилиб айтганда, тафаккур воқеликни анализ ва синтез қилиш, уни бевосита ва умумлаштириб акс эттириш жараёндир” [7].

В.В.Боголовскийнинг “Психология” китобида ҳам тафаккурга берилган таърифда унинг умумлашган ва билвосита акс эттириш хусусиятлари ёритилган. Худди шунга ўхшаш тафаккур хусусиятлари Ф.Н.Гоноболдин, К.К.Платоновларнинг қўлланмаларида ҳам ўз аксини топган[1].

С.Л.Рубинштейн назариясига биноан тафаккури психологик жиҳатдан ўрганишнинг асосий предмети жараён, фаолият тарикасига намоён бўлишидир. Муаллиф тафаккур оперциялари шакллари шакллантиришда жараён, муаммоли вазиятни ҳал қилишда эса фикр юритиш фаолияти сифатида вужудга келишини чуқур таҳлил қилиб беради. С.Л.Рубинштейн тафаккур тўғрисидаги ғояни ривожлантириб, уни субъект фаоллигининг пайдо бўлиши деб атайди[8].

Д.А.Леонтьев тафаккур психологияси предмети юзасидан мулоҳаза юритиб, тафаккурни турли кўринишларга ажратган ҳолда фикр юритиш фаолияти эканлигини таъкидлайди ва уни предметли-амалий фаолият деб ҳисоблайди. Шунингдек, у ўзининг мулоҳазаларида тафаккурнинг тузилиши, фикр юритиш мотивацияси борасидаги назарий методологик муаммоларни ўртага ташлайди [5].

А.В.Брушлинский ўзининг тадқиқотларида тафаккурнинг муҳим янгиликни кидириш ва очиш, гипотеза ва назариялари башорат қилиш, олдиндан пайкаш хусусиятларига алоҳида тўхталиб ўтади [2]. Тафаккур фаолияти муайян мақсадга қаратилган алоҳида онгли жараён тарикасида намоён бўлади. Бош миянинг бирор участкасидаги фаолият эмас, балки, бутун бош мия пўстининг фаолияти мана шу жараённинг физиологик асосидир. Тафаккур фаолияти учун аввало анализаторларнинг миядаги учлари ўртасида вужудга келадиган мураккаб боғланишлар муҳим аҳамиятга эгадир. Анализаторларнинг бош мия пўстидаги участкалари бир-биридан кечкин ажралган ҳолда эмас, балки бир-бирига туташиб, бир-бири билан чамбарчас боғлиқ эканлиги сабабли мазкур боғланишларнинг вужудга келиши тафаккурнинг махсус нерв-физиологик механизмлари ҳисобланади. Бунда иккинчи сигналлар тизимининг боғланишлари биринчи сигнал тизимидаги боғланишларга таянади. И.П.Павлов таъбири билан айтганда, фикрлаш туфайли шахс “борлиқнинг ҳокими” айланган бўлса, ҳайвонлар абадий “табиат қули” бўлиб қолаверадилар. Шунинг учун ҳам тафаккур воқеликни бевосита, сўз ёрдами билан умумлашган тарзда акс эттириш жараёни ҳисобланади. Атроф-муҳитдаги ҳодисанинг ташқи ифодаси сезги, идрок, тасаввур жараёнида ёрқин, образли тарзда, турли аломатлари, фазовий жойлашиши ва ҳаракатида акс этса, тафаккурда эса инсон уларнинг мураккаб боғланишларини англаб етади. Демак, тафаккур - инсон психик фаолиятининг юксак шакли бўлиб, инсон тажрибасида сезги, идрок ва тасаввур асосида вужудга келади ва такомиллашиб боради.

И.П.Павлов иккинчи сигнал тизимининг иши ҳамиша биринчи сигнал тизими билан ўзаро боғлиқлик жараёнида намоён бўлади деб таъкидлаган. Иккинчи сигнал тизими биринчи сигнал

билан ўзаро таъсир қилиш жараёнида дастлаб умуминсоний эмпиризмни, сўнгра эса одамнинг ўз теварагидаги оламни ва унинг ўзини билиш учун восита бўлган олий тафаккур намоён бўлади. Тафаккурнинг муайян бир нарсага қаратилиши учун нерв-физиологик асос бўлган йўналтирувчи рефлекс тафаккур жараёнларида муҳим аҳамиятга эга. Академик И.П.Павлов таъкидлаганидек, “аввало умуминсоний эмпиризмни ниҳоят, атроф оламни ва инсоннинг ўзини ҳам билиш учун олий курул бўлган фанни ҳам яратувчи махсус инсоний олий тафаккур зарурдир[4].

Тафаккур жараёни инсоннинг билишга бўлган эҳтиёжлари, теварак-атрофдаги олам ва турмуш тўғрисидаги ўз билимларини кенгайтиришга ва чуқурлаштиришга интилиши асосида юзага келади. Фикр қилувчи кишининг тараккури объектни англаши ва билиши тафаккур жараёнининг характерли хусусияти ҳисобланади. Одам ўзи идрок этаётган нарса ва ҳодисалар ҳақида фикр юритади. Шунинг учун тушунчалар нарсаларнинг бутун бир синфи, туркуми тўғрисида фикр қилади, яъни булар тафаккурнинг объекти бўлади. Бир нарсага асосланмаган ҳолда тафаккур қилиш мумкин эмас. Анализ, синтез, таққослаш, абстракциялаш ва умумлаштириш, таснифлаш ва тизимга солиш ақлий операцияларнинг асосий турлари ҳисобланади. Анализ - шундай бир тафаккур операцияси саналадики, унинг ёрдамида инсон нарса ва ҳодисаларнинг хусусиятларини фикран ёки амалий жиҳатдан таҳлил қилади. Таҳлил объектлари амалда ажратиб бўлмайдиган элементлар ёки белгилар кўринишида ифодаланиши мумкин. Ўқувчи ва талаба ёшлар турмушда ва дарс жараёнида анализ ёрдамида кўпгина ишларни амалга оширадилар, топшириқлар, мисол ва масалаларни ечадилар. Демак, табиат ва жамиятдаги билим ва тажрибаларни инсон томонидан ўзлаштириб олиниши анализдан бошланар экан.

Бизнинг фикримизга, ҳар бир ўсмир учун ижобий фикрлаш завқ олиш қобилияти бўлиб, у ижобий ҳис-туйғулар ва яхши кайфиятнинг тез тикланишига ёрдам беради. Яхши кайфиятда бўлган ўсмирларнинг ишлаш қобилияти юқори бўлиб, бу ҳолатда уларнинг муваффақиятга эришиш имкониятлари ортиши мумкин.

Тафаккур тушунчаси педагогик жиҳатдан таҳлил қилинганда, таълим- тарбия жараёни билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган педагогик муаммолар ҳиссий кечинмаларга нисбатан когнитив баҳолаш устуворлиги тезисига асосланади, бу ҳолатда ўсмирлар ўз фикрларини ҳис-туйғуларга таъсир қилиш учун ишлатиши ва когнитив баҳоларни ўзгартириш орқали педагогик фаолият билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишнинг конструктив усулларига оид кўникмаларни эгаллаш имконига эга бўладилар.

Шуни таъкидлаш жоизки, “тафаккур” бу ўсмирларнинг содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар мазмунини англаши ва ҳиссий эмоционал тажрибаларни акс эттириш жараёни бўлиб, уларни юқори даражада кузатиш ва индивидуал шаклда шакллантириб боришидир. Шунингдек, тафаккур ўсмирларнинг ижобий (позитив) фикр юритиш ҳамда ижодкорлик қобилияти билан боғлиқ ақлий фаолият кўникмалари мажмуини ўзида акс эттиради.

Адабиётлар рўйхати

- 1.Богоявленская Д.Б. Интеллектуальная активность как психологический аспект изучения творчества // Исследование проблем психологии творчества / Под ред. Я.А. Пономарева. –М.: Наука, 1983. С. 182–195.
2. Брушлинский А.В. Развитие творческого мышления у учащихся. — М., 1994.5.
- 3.Васильева Т.Н. Психодиагностическое обследование как экспериментальная процедура в исследованиях интеллекта и креативности // Экспериментальная психология в России: Традиции и перспективы. – 2010.– С. 364-367.
- 4.Леонтьев Д.А. Позитивная психология - повестка дня нового столетия // Психология. Журнал Высшей школы экономики. - 2012. - Т. 9, № 4. - С. 36-58.
- 5.Орлов Ю.М. Саногенное (оздоравливающее) мышление. -М.:Слайдинг, 2006. –Кн.1.– Б.96.
- 6.Петровский А.В. Личность. Деятельность. Коллектив. –М.: 1992. -2
- 7.Россохин А.Б. Психология детской одаренности: учебник для бакалавриата и магистратуры / А. И. Савенков. - 2-е изд., испр. и доп. - Москва: Издательство Юрайт, 2019. - 22 с.

8.Рубинштейн С.Л. Бытие и сознание. Человек и мир. Санкт- Петербург.: Питер.2003.-191 с.

ОШИБКИ АЛГОРИТМОВ И КЛИНИЧЕСКИЕ РИСКИ ПРИ ВНЕДРЕНИИ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА

Хусанбоев Иброхимжон

Филиал КФУ в г. Джизаке, студент 2 курса направления «Лечебное дело»

Аннотация: В данной статье проводится всесторонний анализ алгоритмических ошибок, возникающих при внедрении технологий искусственного интеллекта (ИИ) в медицинскую практику, а также связанных с ними клинических рисков. Исследование охватывает теоретические и исторические основы развития систем ИИ, рассматривает подходы региональных и зарубежных ученых, их практический опыт и критические оценки. Особое внимание уделяется проблемам, возникающим в процессе принятия клинических решений на основе ИИ, анализируются эмпирические примеры и методологии оценки рисков. В результате предлагаются рекомендации по повышению безопасности и надежности применения ИИ в сфере здравоохранения.

Ключевые слова: алгоритмические ошибки, клинические риски, искусственный интеллект, здравоохранение.

SUN'IY INTELEKTNII JORIY ETISHDA ALGORITMIK XATOLAR VA KLINIK XAVFLAR

Xusanboyev Ibrohimjon

Jizzax shahridagi QFU filiali Davolash ishi yo'nalishi 2-bosqich talabasi

Annotatsiya: Ushbu maqolada Sun'iy intellekt (SI) texnologiyalarini tibbiyotga joriy etishda yuzaga keladigan algoritmik xatolar va ular bilan bog'liq klinik xavflar har tomonlama tahlil qilinadi. Tadqiqot SI tizimlarining nazariy va tarixiy asoslarini qamrab oladi, shuningdek, mahalliy va xorijiy olimlarning yondashuvlari, amaliy tajribalari hamda tanqidiy baholarini ko'rib chiqadi. Maqolada SI asosida klinik qarorlar qabul qilish jarayonida yuzaga keladigan muammolar, empirik misollar va xavflarni baholash metodologiyalari chuqur o'rganiladi. Natijada sog'liqni saqlash tizimida SI qo'llanilishining xavfsizligi va ishonchliligini oshirish bo'yicha tavsiyalar ishlab chiqiladi.

Kalit so'zlar: algoritmik xatolar, klinik xavflar, Sun'iy intellekt, sog'liqni saqlash.

ALGORITHMIC ERRORS AND CLINICAL RISKS IN THE IMPLEMENTATION OF ARTIFICIAL INTELLIGENCE

Khusanboev Ibrokhimjon

Jizzakh Branch of KFU, 2nd-year student, General Medicine program

Abstract: This article provides a comprehensive analysis of algorithmic errors arising in the implementation of artificial intelligence (AI) technologies in medical practice, as well as the associated clinical risks. The study covers the theoretical and historical foundations of AI systems and examines the approaches of regional and international scholars, including their practical experience and critical evaluations. Particular attention is paid to the challenges encountered in AI-based clinical decision-making, with an in-depth analysis of empirical cases and risk assessment methodologies. The paper concludes with recommendations aimed at improving the safety and reliability of AI applications in healthcare.

Keywords: algorithmic errors, clinical risks, artificial intelligence, healthcare.

Введение. В последние десятилетия искусственный интеллект (ИИ) стал неотъемлемой